



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 13 ноябрь, № 222 (5896)

Чоршанба

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК ВА САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР



Жорий йилнинг тўққиз ойида Ўзбекистон Миллий автомагистрალი таркибига кирувчи автомобиль йўлларини куриш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича

633,4

миллиард сўм
маблаг ўзлаштирилди.



Кеча "Ўзэкспомарказ" мажмуасида "Ўзбекистон инфратузилмаси — Uzbekistan Infrastructure 2013" Халқаро Ўзбекистон тармоқлараро кўргазма лойиҳаси иш бошлади.



12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ушбу ҳужжат экологик назорат самардорлигини ошириш, давлат муассасалари, фуқаролик институтларининг ушбу соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, самарали экологик назорат амалга оширишда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг муҳим давлат дастурларини ҳал қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда бошқа жамоатчилик ташкилотларининг ролини мустаҳкамлашга қаратилган.

Жорий йилнинг июль ойида қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинганидан кейин у кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтди. Қонунчилик палатаси Кенгашининг қарорига кўра, қонун лойиҳаси «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида чоп этилди. Қонун лойиҳасини муҳокама этиш доирасида Қонунчилик па-

латаси депутатлари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари, манфаатдор идоралар, Экоҳаракат, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий Ассоциацияси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа жамоатчилик ташкилотларининг вакиллари, шунингдек, олимлар, амалиётчи мутахассислар, ОАВ вакиллари иштирокида ўнлаб анжуманлар, семинарлар, давра суҳбатлари ҳамда учрашувлар ўтказилди.

Шунингдек, қонун лойиҳаси Чет эл экспертлари ҳамжамиятининг (Япония, Германия, Италия, Франция, Бельгия) вакиллари иштирокида ҳам муҳокама этилди. Уларнинг фикрича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги энг муҳим давлат дастурларини ҳал этишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари самарали иштирок этиши учун ноёб имконият яратди.

(Давоми 2-бетда).

КЎРГАЗМА

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-санаят палатаси, "Ўзавтойўл" ДАК, Ўзбекистон Халқаро автомобилда юк ташувчилар уюшмаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмағида "ITE Uzbekistan" компанияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбир ўзида учта кўргазмани бирлаштирган билан аҳамиятлидир. "Транспорт ва Логистика —

TransUzbekistan 2013", "Автомобиллар, бутловчи қисмлар, сервис ускуналари — Auto&Parts Uzbekistan 2013", "Йўл курилиши ва коммунал техника — UzComak 2013" халқаро кўргазмалари шулар жумласидан бўлиб, бу, ўз навбатида, соҳа мутахассисларининг тармоқлараро кооперация алоқаларига киришиши, янги ҳамкорлар топиши учун қулай имконият ҳисобланади. Шу боис ҳам аънавий тарзда ўтказиб

келинаётган ушбу форум иштирокчилари сафи йил сайин кенгайиб борапти.

Халқаро кўргазмаларнинг очилиш маросимида алоҳида таъкидланганидек, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмаси иқтисодий-тимизнинг энг муҳим тармоқларидан биридир. Уни жадал ривожлантиришга эса жиддий эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Натижалар муҳокама этилди, вазифалар белгилаб олинди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Президентимизнинг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш тўғрисида"ги Фармоишига мувофиқ ташкил этилган Ишчи комиссия мажлиси бўлиб ўтди.

ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ

Унда Ишчи комиссия аъзолари, Вазирлар Маҳкамаси, ҳокимликларнинг масъул ходимлари, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари сайлов округларидан сайланган Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, фуқаролик жамиятлари институтлари ва ОАВ вакиллари қатнашди.

Кун тартибидан асосий диққат-эътибор қонун лойиҳаси нормалари синови бўйича ташкил этилган ҳуқуқий эксперимент жара-

ёни, жумладан, бу борада учинчи чоракда бажарилган ишлар ақуналари сарҳисобига қаратилди ҳамда кўзда тутилган тадбирларни ўтказиш самардорлигини янада кучайтириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилиб, якуний босқичдаги фаолиятнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмухамедова ва бошқалар таъкидлаганидек, давлатимиз раҳбарининг

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган гоялар, таклифлар ҳамда қонунчилик ташаббуслари босқичма-босқич амалиётга татбиқ этилапти. Буларнинг барчаси юртимиз демократик янгилаш, ижтимоий ҳаётини эркинлаштириш йўлидан ишонч билан бораётганини ёрқин тасдиқи сифатида намоён бўлаяпти.

Маълумки, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги эркинликлари ва ҳуқуқларини таъминлаш Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишнинг негизи ҳисобланади, у жамоатчиликни давлат ҳокимияти органлари фаолияти тўғрисида хабардор қилиш, улар томонидан қабул қилинадиган қарорлар ҳамда энг аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар тўғрисидаги ахборотдан аҳолининг, ижтимоий бирлашмаларнинг кенг фойдаланишини таъминлаш тартиб-таомилларини аниқ амалга оширишни ўз ичига олади.

(Давоми 2-бетда).

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Қизилтепа туманидаги "Бўстон чинниси" хусусий корхонасида 500 миллион сўмлик модернизациялаш тадбирлари амалга оширилиши натижасида ишлаб чиқариш қуввати икки баробар ортди

Қувват икки баробар ортди

— Деворбон маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хориж технологияларидан самарали фойдаланаямиз, — дейди корхона раҳбари Мухтор Шарипов. — Эътиборлиси, маҳсулотларимиз тежамор ва унумдор ҳисобланган халқали печларда пиширилмоқда. Бу ор-

қали энергия икки баробар тежалиб, гишларнинг мустаҳкамлиги ортапти. Айтиш керакки 20 нафарга яқин ишчи-ҳодимлар меҳнат қилаётган корхонада йилга 2,4 миллион дона пишиқ гишт ишлаб чиқарилмоқда.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қибрай туманидаги "Jurabek Print" масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлаганига кўп бўлгани йўқ.

Илғор технологик қурилмалар

Шунга қарамай, дори-дармон, озиқ-овқат ва машиий ашёлар учун қоғоз кўтилар ҳамда ёрқилар тайёрлашга иктисозлаштирилган мазкур корхона қисқа фурсатда мамлакатимиздаги 20 дан ортиқ йирек ишлаб чиқариш субъектларининг доимий ҳамкорига айланди.

Лойиҳа қиймати 5 миллион АҚШ долларлик корхона Европадан келтирилган энг сўнгги русумдаги ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, барчаси компьютер бошқарув тизими асосида ишлайди. Айниқса, Германиянинг "Hiedelberg" компанияси томонидан етказиб берилган технологик қурилмалар жаҳон полиграфия саноатининг илғор ютуқларини ўзида мўжассамлаштиргани билан эътиборга моликдир.

Айтиш керакки 60 киши меҳнат қилаётган жамоа шу кунларда корхонанинг иккинчи навбатини барпо этиш ҳаракатида. Мазкур бизнес лойиҳа рўёби учун қарий 4 миллион евро миқдорида сармоя ўзлаштирилди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерацияси Кенгаши Раиси Валентина Матвиенко раҳбарлигидаги делегация 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида музокара ўтказди.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И. Собиров билан мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар кўллаб сохалар қатори парламентаризм йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон — Россия муносабатлари иттифоқчилик ва стратегик шериклик тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда. Мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувлар ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий, сарможий, илмий-техникавий, гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини янада тараққий эттиришга хизмат қилмоқда.

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерацияси Кенгаши Раиси Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Россия Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор эканлигини қайд этди.

Музокарада икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ноҳира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбири.

8 ДЕКАБРЬ —

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги олдидан "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан "Фуқаролар мамлакатимиз сиёсати ва ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақида" мавзуда ижтимоий сўров ўтказилди.

Ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва ҳамжиҳатлик — тараққиёт кафолати

Унинг натижаларида кўра, республикамизнинг кўпчилиги аҳолиси (80 фоиздан зиёди) Ўзбекистоннинг ички сиёсий ҳаёти ҳақида турли ахборотга эга. Бу борадаги хабардорлик даражасини юқори деб биладиган респондентларнинг салмоқли қисмини катта ёшдаги авлод вакиллари ташкил этади.

Аҳоли учун мамлакат сиёсий ҳаёти ҳақидаги ахборотларнинг асосий манбалари маҳаллий оммавий ахборот воситалари, биринчи галда, телевидение ҳисобланар экан. Сўровда иштирок этганларнинг 98 фоизга яқини мазкур йўналишдаги маълумотларни олиш учун маҳаллий ТВ-каналларни томоша қилишни билдирган.

Респондентлардан мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳақида ҳам сўралди.

Уларнинг аксарият қисми (тахминан 93 фоизи) юртимиздаги ижтимоий-сиёсий ҳолатга юксак баҳо бериб, уни барқарор ва мустаҳкам, дея эътироф этган.

Фуқароларнинг катта қисмининг фикрича, мамлакатимиздаги бундай барқарор тинчлик ва фаровонлик Президент Ислам Каримов томонидан олиб борилаётган ҳамда аҳоли барча қатламларнинг мулқ кўллаб-қувватлашига сазовор бўлган ички ва ташқи сиёсат шарофатидандир.

Ижтимоий сўровнинг яна бир муҳим вазифаларидан бири аҳоли сиёсат соҳасида устувор санайдиган жиҳатларни аниқлаш эди. Унга мувофиқ, ўзбекистонликлар бу борада демократик кадриятларни афзал кўрадилар.

(Давоми 2-бетда).

Когон шаҳридаги "Барқамол авлод" болалар маркази учун ажратилган бино муқаммал таъмирлаш ишларидан сўнг буткул янгича қиёфа касб этди. "Кўлдеш-Бўрон" хусусий фирмаси томонидан бу ерда 435 миллион сўмлик қурилиш юмушлари бажарилди.

Келажак учун сармоя

Марказнинг ўқув машғулоти олиб бориладиган барча хоналари турли тўғрак йўналишларига мослаштирилди. Улар мебеллар, компьютер техникаси, дурадгорлик, тўқиш дастгоҳлари, тикув машиналари, замонавий мусика асбоблари билан таъминланди. Натижада болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ва фойдали ўтказишлари учун қулайлик юзага келди.

Айтиш ўринлики, мактаб ўқувчиларини касбга йўналтиришда бирламчи бўлин вазифасини ўтаётган бундай марказлар сони вилоят бўйича 14 тани ташкил этади. Шу кунгача уларнинг тўққизтасида муқаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бу хайрли юмушга жами 2 миллиард 687 миллион сўмдан зиёд маблаг йўналтирилди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Қонун лойиҳасининг кенг жамоатчилик муҳокамаи чоғида бир неча минг таклифлар, фикр-мулоҳазалар ва шарҳлар келиб тушди. Шундан энг асослилари ҳужжатни иккинчи ўқишга тайёрлашда инобатга олинди.

Моддама-модда батафсил муҳокамадан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси масъул кўмитага ҳужжатни тайёрлаш ва уни Олий Мажлис Сенатига юборишни топшириб, қонун лойиҳасини қабул қилди.

Шундан сўнг парламент қўйи палатаси вакиллари «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Бу ҳужжат «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги тахрири қабул қилиниши муносабати билан ишлаб чиқилган ва амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга, унинг нормаларини қабул қилинган Қонунга мувофиқлаштиришга қаратилган. Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ер, Уй-жой кодексларига, «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамада техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан му-

ҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли тузатишлар киритилмоқда.

Атрофлича муҳокамадан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ушбу қонун лойиҳасининг асосий қондаларини маълумлади ҳамда депутатларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда уни биринчи ўқишда қабул қилди. Масъул кўмитага ҳужжатни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш топширилди.

Қонун лойиҳасининг муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари саволлар ва таклифлар билан сўзга чиқдилар. Улар ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳар бир лойиҳаси бўйича партия дастурлари ва сайловчиларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган ўз нуктаи назарини билдирдилар. Депутатлар кўриб чиқилган қонун лойиҳасининг мамлакатимиздаги экологик ҳолатини яхшилаш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятимиз ҳаётидаги ролини ошириш учун муҳим эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.

Ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва ҳамжиҳатлик — тараққиёт кафолати

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Фуқароларнинг «демократия» ва «демократик давлат» нима эканлигини яхши билиши жамиятда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва ҳуқуқий давлат кураши ҳараёнининг муҳим шартидир. Сўров иштирокчиларининг асосий қисми мазкур тушунчалар мазмун-моҳиятини теран англайди. Эътиборлиси, уларнинг орасида олий маълумотлилар ва ёшлар кўпчилиги (87 фоиздан зиёди) ташкил қилди.

Социологик тадқиқотлар давомида олинган кўрсаткичларга қараганда, юртдошларимиз демократик кадрларга содиқлигини намён этдилар. Хусусан, респондентларнинг қайд этишича, мамлакат раҳбарининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш ҳамда унинг нормаларини Самарқанд ва Бухоро вилоятларидаги синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақидаги ташаббуси давлат бошқарувини янада демократлаштириш, қонунчилик асосларини такомиллаштириш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди. Одамлар мазкур ҳуқуқий ҳужжат аҳамияти, айниқса, унинг жамият ва давлат ўртасидаги тизимли мулоқотни таъминлашдаги ролига юқори баҳо бермоқдалар.

Сўров кўрсатдики, ҳамюртларимиз мамлакат аҳолиси ҳаётида руй бераётган ижобий ўзгаришлар, аҳоли, айниқса, ёшларнинг ижодий ва касбий салоҳиятини юзага чиқариш йўлида яратилаётган имкониятлар, миллий кадриятлар ҳамда урф-одатларни асраб-авайлашга қаратилган катта эътибор самараларидан ҳақли равишда гурурланмоқдалар. Айни чоғда фуқароларда ўз давлати ишларига дахлдорлик даражаси ошган. Респондентларнинг аксарияти Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ўз мамлакатига тақдир учун маънавий жиҳатдан жавобгар, деб ҳисоблайди. Уларнинг фикрича, бу инсонларнинг она-Ватанига бўлган меҳру муҳаббаты, унинг манфаатларини ҳимоя қилишга содиқлигида яққол ифодасини топиши шарт. Шунингдек, аҳолининг кўпчилиги мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирок этишни

муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон фуқаролари сайлаш ҳамда сайланиш, касбаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятида иштирок этиш, давлат ҳокимияти органлари томонидан қарорлар қабул қилинишига таъсир ўтказиш ҳуқуқига эга. Сўровда қатнашганларнинг мултлак катта қисми давлат органлари қарорларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилишда аҳоли фикрини инобатга олаётганидан мамнун эканини билдирган.

Ўзбекистонликларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги фаоллиги, тадқиқот натижаларига кўра, энг аввало, уларнинг сайловлардаги иштирокида намён бўляпти. Масалан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда сиёсий партиялар фаолиятида иштирок этиш фуқаролик фаоллигини кўрсатишининг кенг тарқалган шаклларида биридир. Шулар қаторида, умумхалқ ҳаётлари, иш жойларидаги жамоатчилик фаолиятини ҳам юқоридоғилар қаторига киритиш мумкин.

Тадқиқот натижалари кўрсатганидек, аҳолининг мамлакат парламенти томонидан ишлаб чиқилаётган, такомиллаштирилаётган ва қабул қилинаётган қонунларга бўлган қизиқиши ортиб бораёпти. Юртимизда қонун ва ҳуқуқ устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, деб ҳисоблайди сўровда қатнашганларнинг қарийб 90 фоизи. Одамлар қандай қонунлар қабул қилинаётгани ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бефарқ эмас. Улар парламент депутатларининг қонун ижодкорлиги фаолиятини яқиндан билишни истайдилар.

Сўров якуналаридан шу нарса маълум бўлдики, кенг жамоатчилик мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликка юқори баҳо беради, жамиятда миллий ва фуқаролар ўртасидаги тотувлик, ҳамжиҳатлик ёрқин намён бўлмоқда. Фуқаролар фикрича, жамиятдаги тинчлик ва барқарорлик кафолати Асосий Қонунимиз ва давлатимиз раҳбаридир.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида С. ҚОСИМЖОНОВ тайёрлади.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Йиғилишда эътироф этилганидек, ҳуқуқий эксперимент субъектларида ахборот очиқлигини таъминлашда муайян ютуқларга эришилляпти.

— Ахборотдан фойдаланувчиларнинг давлат органларига йўллаган сўровлари сони изчил ошгани ҳуқуқий эксперимент самарадорлиги, фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига ишонч даражаси ортганига яққол мисол бўлади, — дейди қўйи палата **Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси аъзоси Д. Холиқова.** — Эксперимент доирасида фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларидан Самарқанд ва Бухоро вилоятлари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, ташкилотлар ва корхоналарга тегишлича жами 2836 та ва 1513 та сўров келиб тушган, берилган 91 фоизига жавоблар берилган, қолганларни кўриб чиқилаётди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, фуқаролар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олиш манбаси сифатида уларнинг очиқ ҳаётда мажлисларида иштирок этиш усулидан кенг фойдаланилмоқда. Бугунги кунда Самарқанд вилояти давлат органларининг очиқ ҳаётда мажлисларида ННТ ва ОАВнинг 129 нафар вакили ва 9 нафар фуқаро (Бухоро вилоятида мос равишда 42 нафар вакил ва 46 нафар фуқаро) қатнашди.

— Оммавий ахборот воситаларида жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида давлат органла-

Натижалар муҳокама этилди, вазифалар белгилаб олинди

нинг фаолияти тўғрисида ахборотлар чоп этиб борилаётди, — дейди **Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А. Абдуллаев.** — Медиа-режарат ижросига алоҳида эътибор қаратилляпти. Масалан, ОАВда давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахслари томонидан Самарқанд вилоятида 224 та, Бухоро вилоятида 146 та материал берилди. Телерадиоканаллар, интернет ресурслари орқали эса ҳар кун иҳудда 376 ва 339 тадан материал тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси раисининг ўринбосари А. Файзуллаевнинг айтишича, Самарқанд вилоятида 91 ҳуқуқий эксперимент субъектидан 58 таси интернет тармоғида ўз расмий веб-сайтига эга, 26 та субъект юқори турувчи ташкилотларнинг веб-сайтларида веб-саҳифалар очди.

— Бухоро вилоятида эса 89 субъектнинг 47 таси ўз расмий веб-сайтини ишга туширган бўлса, 36 та субъект юқори турувчи ташкилотларнинг веб-сайтларида веб-саҳифалар ташкил этди, — дейди у. — Ҳар икки вилоят ҳокимликлари веб-порталлари ўз ахборот

фаолиятини самарали амалга ошириб, уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ келиш даражаси тегишлича 100 баллдан 85,3 балл ва 94,8 баллга тенг.

Шунингдек, ҳуқуқий эксперимент субъектларининг расмий интернет сайтлари мазмуни жиҳдид яхшилланган, уларда давлат органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишининг кенг имкониятлари яратилган.

Мажлисида **Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳокимликларининг масъул ходимлари** ҳуқуқий эксперимент бўйича кўрилган чоралар ва амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот берди.

Уларнинг қайд этишича, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг очиқлики таъминлаш соҳасидаги билим савияси ошгани, матбуот анжуманлари, брифинглар, очиқ мулоқотлар сингари тадбирлар сони ҳамда сифати яхшиланиб бораётгани, уларда журналистлар қатори, фуқаролик жамияти институти вакиллари, аҳолининг кенг қатламларида қатнашиш истаги кучайиб бораётгани муҳим натижалардан биридир. Бунда турли семинарлар ташкил этилаётгани, услубий қўлланмалар ва йўриқномалар, тавсиялар ишлаб чиқилгани долзарб аҳамият касб этмоқда.

Айни чоғда ҳуқуқий эксперимент

субъектларида ахборот очиқлигини техник жиҳатдан таъминлаш даражаси ошган. Жумладан, уларда ахборотдан фойдаланувчиларга қўллаб қўлайликлар яратилди: ахборот стендлари қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштирилиб, улардаги маълумотлар мунтазам равишда янгиланб борилапти; бир қатор ташкилотларда замонавий инфо-киоскалар ўрнатилди; тегишли интернет сайтлари такомиллаштирилиб, уларда нафақат матнли материаллар, балки ҳайъат органларининг очиқ мажлислари ҳақида видеозуварлар ҳам берилляпти. Буларнинг барчаси қонун лойиҳасини янада маромига етказиш, очиқлики таъминлаш механизмларини ривожлантиришда айна муддоидир.

Йиғилишда ҳуқуқий эксперимент ўтказиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини кучайтиришга қаратилган яна бир қатор муҳим масалалар муҳокама этилди.

Шунингдек, иштирокчиларга ҳуқуқий эксперимент мавзуси бўйича ўтказилган социологик тадқиқотлар якуналарига доир таҳлилий ахборот натижалари, ахборотдан фойдаланувчилар томонидан ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент ҳамда ҳуқуқий эксперимент субъектларининг ўз ахборот очиқлигини таъминлаш фаолияти самарадорлиги баҳолашнинг юза-

сидан жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича ўтказилиши лозим бўлган тадбирлар тўғрисида маълумотлар тақдим этилди.

Мажлисида ҳуқуқий экспериментнинг мақсад ва вазифаларини янада самарали бажариш юзасидан фаолиятни кучайтириш, ахборот-кутубхона ва архив фондларига ахборотни ўз вақтида ҳамда тўлиқ тақдим этиш, интернет тармоғида расмий сайтлар фаолиятини такомиллаштириш, ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўровларини қайта ишлаш бўйича ҳуқуқий эксперимент субъектлари фаолиятининг сифатини яхшилаш ҳақида тўхталиб ўтилди. Унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлигини таъминлаш соҳасида давлат стандартини ишлаб чиқиш ташаббуси фаол муҳокама этилиб, қўллаб-қувватланди.

Кенгаш иши якуналари бўйича Ишчи комиссия томонидан «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасининг синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармоишини сўзсиз бажаришга қаратилган тегишли қарорлар қабул қилинди.

Санджон МАХСУМОВ.

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК ВА САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Президентимизнинг 2010 йил 21 декабрдаги «2011 — 2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги қарори, айниқса, соҳада амалга оширилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириб юборди. Чунки мазкур ҳужжатда 2 306 километрик автомобиль йўллари қуриш ва реконструкциялаш белгилаб берилган.

Мутахассисларнинг эътирофи этишича, Ўзбекистон — юксак транзит салоҳиятига эга давлат. Унинг ноёб географик жойлашувидан ташқари, юртимизда тезкор, сифатли ва ишончли логистика хизматлари кўрсатиши йўлга қўйилгани муваффақиятлар омил бўляпти.

Дарҳақиқат, Марказий Осиёнинг қок ўртасида жойлашган мамлакатимиз ҳудудидан 20 та халқаро қатнов йўли ўтган бўлиб, бу барча йўналишларда ташувларни амалга ошириш, юк ва йўловчилар оқимини кўпроқ йўналтириш борасида қўшимча қўлайликлар яратади, албатта. Бундан оқилана фойдаланиш мақсадида коммуникация тармоқлари тараққий эттирилиб, қўшни давлатлар билан боғлаб турувчи йўллар модернизация қилиниши баробарида, янгилари бунёд этиляпти. Бундай саъй-ҳаракатлар натижасида эса қўллаб янги қат-

нов йўллари очилгани диққатга сазовордир.

Халқаро кўрғазмалар соҳадаги шу каби ютуқларнинг чинакам намойишига айлангани чет эллик иштирокчиларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Улар бир пайтнинг ўзида миллий логистика тизими, транспорт воситалари ва йўллари таъмирлаш, юкларни етказиб бериш хизмати, шунингдек, коммунал ва махсус техникалар билан боғлиқ тармоқларда кенгаётган янгиланишлар, ҳамкорлар учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар билан танишиш, унинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш имконига эгадир. Бу, табиийки, юртимиз ишлаб чиқарувчилари билан хорижий шериклар ўртасида халқаро алоқаларини ривожлантириш, транзит салоҳияти-миздан кенроқ фойдаланишда нурли ўқларни очиб бераётди.

— Ўзбекистонда инфратузилма тармоқлари барқарор ривожланиб бораётганидан яхши хабардоримиз, — дейди «HANVU» (Хитой) компанияси бош директори Ли Ванг. — Нега деганда, бизнинг компаниямиз томонидан юртимизга йўлсозлик ва кўприксозлик теҳниклари, асфальт ва бетон қуриш, шунингдек, тошни майдалаш ускуналари етказиб берилган. Кўрғазма бу борадаги ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилишига ишончимиз комил.

Ўзбекистонга биринчи бор келишим. Ташрифимнинг илк кунидаяқ

Тошкент шаҳрини томоша қилиб, айниқса, йўлсозлик ва кўприксозликда ўзига хос тажрибага эга эканлигини таъминлаш бўлди. Кўрғазмада намойиш қилинаётган замонавий юк машиналари эса эътиборини тортиди. Бундай қудратли теҳникларнинг юртимизга ишлаб чиқарилаётгани логистика хизматлари бозорини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бу йилги кўрғазмаларнинг бирлашган экспозициясида Беларусь, Буюк Британия, Германия, Жанубий Корея, Латвия Республикаси, Литва, Озарбайжон, Польша, Сингапур, Украина, Хитой, Чехия каби жаҳоннинг 15 мамлакатидан 60 дан зиёд компаниялар ўз махсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқда. Айниқса, «Транспорт ва Логистика — TransUzbekistan 2013» унинг халқаро кўрғазмаси анча гавжум. Негаки, ушбу тадбир ўтган давр ичида халқаро даражадаги транспорт, логистика ва юк ташуш соҳасида экспортлари учрашадиган йирик кўрғазма майдонига айланди. Унда 30 га яқин маҳаллий ва хорижий компаниялар қамраб олинганки, юртдошларимиз, айниқса, Латвия Республикаси ва Литва давлатининг логистика компаниялари хизматларида қизиқиш билдиришмоқда. Улар тадбиркорлар ўз товарларини ушбу мамлакатлар портлари ва транспорт инфратузилмаси орқали Европога етказиб бериш учун реал амалий имконият мавжудлиги билан изохлашмоқда. Айни чоғда, чет эллик мутахассислар маҳаллий бозорнинг йирик вакиллари, жумладан, нефть ва кимё махсулотлари, автомобильлар учун бутловчи қисмлар ва бошқа тайёр махсулотларни етказиб беришда муайян тажриба тўплаган «Ангрен логистика маркази» ЕАЖ билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканлигини изҳор этишмоқда.

— Жамоамизнинг фаолияти туфайли маҳаллий ва халқаро юк ташувлари ҳажми йил сайин кўпайиб бораёпти, — дейди «Ангрен логистика маркази» ЕАЖ директори ўринбосари Фаррух Асадуллаев. — Масалан, 2013 йилнинг 9 ойи давомида 2 миллион 605 минг тонна юк ташилиб, ўтган



Сайд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

йилнинг шу давридаги нисбатан 19 фоиз ўсишга эришилди. Бунда салкам 670 та энг замонавий юк машинасига эгаллигимиз, тўртта махсус термималимиз мавжудлиги қўл келаяпти, албатта. Негаки, терминаллари-миз бир пайтнинг ўзида 8 минг тоннага юкни сақлаш имкониятига эга.

Кўрғазма давомида чет эллик мутахассислари фаолиятини билан батафсил таништириш асосида келишувларга ҳам эришялгимиз. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, бу галги форумда 100 дан ортиқ шартномалар имзоланиши аниқ.

Қувонарлиси, юртимизда халқаро юк ташуш билан шуғулланадиган, экспорт қилинаётган махсулотларини жаҳон бозорига етказиб беришга ўзининг салмоқли хиссасини қўшаётган компаниялар тобора кўпаймоқда. Соҳанинг самарадорлиги эса бевосита автотранспорт воситаларининг ҳолатига боғлиқ. Шу маънода, бир павильонда «Автомобиллар, бутловчи қисмлар, сервис ускуналари — Auto&Parts Uzbekistan 2013», «Йўл қурилиши ва коммунал теҳника — UzComak 2013» халқаро кўрғазмалари қатнашчилари жамлангани айни мuddа бўлди. Сабаби, томонлар ўзлари ишлаб чиқараётган махсулотларини намойиш этиш баробарида, фаолияти учун зарур нарсалар хариди бўйича ҳам тенг манфаатли келишувларга эришмоқда. Лойиҳадан қўзланган мақсад-муддоо ҳам шу, аслида.

Сайд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Қисқа сатрларда

• Қарши шаҳрида Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси вилоят бўлими ҳамда ишлаб хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида тадбиркорликни ривожлантириш, хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш ва қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ташкил этилди. Тадбирда бизнес-режа ва унинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш, маркетинг муносабатлари ҳамда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратилган имтиёзлар мавзусида иштирокчиларга маълумот берилди.

• Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги томонидан Германия Халқаро ҳамкорлик жамияти билан биргаликда ҳудудда интенсион болгар яратиб, шўрланган майдонларда дарахт ўстириш масалаларига бағишланган кўрғазма семинар кенгаш ўтказилди. Ҳўжайли, Нукус, Чимбой ва Кейойли туманларининг илгор болгонлари, қишлоқ ҳўжалиги мутахассислари қатнашган мазкур тадбирда бу борада амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилиниб, соҳа ходимлари ўзаро тажриба алмашдилар.

• Термиз шаҳрида Сурхондарё вилояти ҳўжалик судининг янги бироси фойдаланишга топширилди. Унда судьялар ва иш юритувчи ходимлар учун барча қўлайликлар яратилган. Маънавият хонаси, ҳўжалик низоларини кўриб чиқишда дастлабки ва апелляция инстанцияси ишларини муҳокама этадиган алоҳида хоналар замонавий усулда жиҳозланган.

«Халқ сўзи» муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

«ЎЗБЕКИСТОН — АЛОҲИДА ЖОЗИБАГА ЭГА МАМЛАКАТ»

Ҳадемай куз охирида, қорли-қировли кунлар бошланади. Бундай пайтда, асосан, денгиз бўйларидоғи имкониятлари орқали туризмдан даромад қиладиган аксарият давлатларда сайёҳлар оқимининг сезиларли даражада пасайиши кузатилади. Аммо йил бўйи хорижликлар эътиборини ўзига жалб этадиган мамлакатлар ҳам йўқ эмас. Улардан бири Ўзбекистондир, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди. Чунки айни кунларда ҳам юртимизнинг ҳар бир шаҳрида юзлаб сайёҳлар кезиб юргани айни ҳақиқат. Улар тинч ва озоишта Ватанимизнинг бетакрор осоритиқалари, замонавий бино ҳамда иншоотлари, туризм инфратузилмаси, мусавфо ҳавоси, энг муҳими, халқимизнинг самимийлиги ҳақида эшитиб, катта қизиқиш, иштиёқ билан ташриф буоришганини билдиришмоқда.

ЭЪТИРОФ

Карл ПОУЛЬСЕН (Дания, Копенгаген): — Европаликлар учун Ўзбекистон алоҳида жозибига эга мамлакат ҳисобланади. Очиғи, мустақилликдан аввал юртингиз, Тошкент, Самарқанд, Хива, Бухоро каби шаҳарларингиз ҳақида яхши тасаввурга эга эмасдик. Бугун эса Буюк Ипак йўлининг ганжинаси бўлиши Ўзбекистон доврўғи бутун дунёга маълуму

аналари билан жаҳон ахлини таништирмоқда. Менингим, миллий ўзига хослигинг даврлар оша сақланиб қолиши ва ривожланиши миллиятнинг маданий ҳамда маънавий эркинлигини белгиловчи энг асосий омилдир. Бу юртингизнинг келажағидаги раванкига комил ишонч уйғотади.

Густав ИММЕРС (Австрия, Вена): — Авваллари Ўзбекистон деганда Самарқанддаги кўҳна иморатлар кўз олдимга келарди. Юртингизга ташриф буориб, бу ерда Европанинг унча-мунча шаҳридан қолишмайдиган замонавий шаҳарлар борлиғига амин бўлдим. Айниқса, пойтахтингиз Тошкентнинг бугунги қиёфаси менда ҳавас уйғотди. Зотан, бинокорлик ҳам ўзига хос санъат ва ҳар бир мамлакатда унинг ўз ривожланиш тарихи ва услублари бор. Ўзбекистон пойтахтининг шарқона қиёфасини сақлаб қолишга қаратилган эътибор алоҳида таҳсинга лойик, Бу ерда

қурилган замонавий биноларнинг аксарияти анъанавий шомойилга эга бўлиб, мегаполисга бошқа ҳеч қайси шаҳарга ўхшамайдиган бетакрор кўриниш берган. Дарахтлар, майсазорлар, фаворалар иншоотлар қиёфасига кўркамлик бағишлаган.

Пойтахт ривожига мамлакат тараққиётининг кўзуси ҳисобланади. Шу маънода айтганда, Тошкентда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларига қараб, Ўзбекистоннинг жадал тараққий этаётганини эътироф этиш мумкин.

София РЕДЖИНАЛЬД (Буюк Британия, Эдинбург): — Мен тарихшўносман. Ўзбекистонга келишимга Ҳиндистонга қилган сафарим сабаб бўлди. У ерда бобурийлар сулоласи меросини ўрганиш жараёнида бу улғу тарихий шахсининг асл ватани бўлиши Ўзбекистонга сафар уюштириш нияти туғилди. Шу боис аввалга Анджионни зиёрат қилдим. Сўнгра Фарғона, На-

манган, Тошкент, Самарқанд ва Бухорони кездим.

Ўзбекистон аҳиб фойдали диёр экан. Халқингизнинг музолага маданияти, ўзаро меҳр-оқибати, доимо жиғмайиб туршиши кишига ҳушайфият улашади. Айниқса, меҳмоннавозликда бу юрт одамларига тенг келадигани топилмас керак, деган фикрга бордим. Қайси вилоятда бўлмай, самимийлик билан дастурхонга таклиф этишди, бири-бирдан тотли ноз-неъматлар билан сийлашади. Бетакрор қўшиқ ва рақслар жозибасини, бежирим миллий либосларни айтмайсизми?! Бари менда унутилмас таассурот қолдирди.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Сентябрь ойида Италияда чакана савдо айланмаси 0,2 фоиз ўсди.

Ҳам ўсиш, ҳам пасайиш

Бу ҳақда мамлакат статистика бошқармаси хабар тарқатди. Аммо ушбу даврда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 0,2 фоиз пасайган.

Шунингдек, мамлакатнинг етакчи тармоқлари бўлган нефть маҳсулотлари ва кўмир ишлаб чиқаришда 16,3, фойдали қазилмаларни қазиб олишда 9,2 ва фармацевтика саноатида 12,5 фоизлик камайиш қайд этилган.

Рақобатнинг фойдаси

"Apple" компанияси келаси йили "iPhone" смартфонининг янги моделларини тақдим этади.



2014 йилнинг иккинчи ярмида омма эътиборига ҳавола этилиши кутилаётган янги телефонларнинг экранлари эгилувчан бўлади. Уларнинг техник хусусиятлари ҳақида эса ҳозирча маълумот берилмади.

Айтиб ўтиш жоиз, жорий йилнинг октябр ойида "Apple"нинг асосий рақобатчилари саналган "Samsung" ва "LG" компаниялари худди шундай — эгилувчан экранли телефонларни намойиш этганди.

Чиқиш йўллари ёпилиб қолди

Ҳиндистоннинг Жарканд штатидаги Нирса кўмири қонида фалокат юз берди.

"Синьхуа" ахборот агентлиги хабарига қараганда, унинг чиқиш йўллари беқилиб қолиши оқибатида тўрт нафар ишчи ҳаётдан кўз юмган. Яна эллик нафар кончи ер остида қолиб кетган. Уларни қутқариш чоралари кўрилмоқда.

Коннинг чиқиш йўли нима сабабдан тўсилиб қолганига ҳали ойдинлик киритилгани йўқ.

Узр сўради

Германиянинг Дрезден техника университетидан камдан-кам кузатиладиган воқеа рўй берди.



Ҳеч ким университетдан четлатилмаган экан. Шунчаки таълим даргоҳини дастурлаш тизими билан таъминлаш вақтида талаба ва ўқитувчилар (жами 42 минг киши)нинг электрон манзилга ана шу мазмундаги хат беихтиёр жўнатиб юборилган.

Ушбу дилхиралик учун таълим муассасаси раҳбарияти барчадан узр сўради ва келгусида бундай воқеа такрорланмаслигига ваъда берди.

Бахтсиз ҳодиса

Жанубий Африка Республикасида автобус ва юк машинасининг тўқнашиб кетиши оқибатида 29 киши ҳаётдан кўз юмди, ун бир нафар одам тан жароҳати олди.

Воқеа мамлакатнинг маъмурий маркази — Претория шаҳридан 100 километр узоқликда юз берган. Фожияга юк машинасининг йўл ёқасида турган машинани четлаб ўтишга уриниши сабаб бўлган. Ана шу пайтда у қарама-қарши йўналишдан келаётган автобусга урилиб кетган.

Ноёб топилма

Шимоллий Америка худудида тираннозаврларнинг олдин фанда маълум бўлмаган янги тури топилди.



Ҳайвонлар ҳақида янги маълумотлар олиши имконини берди. Яъни ўрганиш жараёнида тираннозаврлар бу худудда аввал тахмин қилинганидан 10 миллион йил олдинроқ пайдо бўлган экан. Шу тариқа олимлар улар Шимоллий Америкада бундан қарийб 95 миллион йил олдин яшаган, деган хулосага келдилар.

Фаромушхотирликка тўсиқ

Ҳар кунлик сайр хотира сусайишига қарши оддий ва самарали усуллардан бири экан.

Худди шундай хулосага америкалик бир гуруҳ олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотдан сўнг келинди. Кузатув жараёнига 66 ёшдан ўтган 120 нафар кекса қамраб олинди. Уларга ҳар куни йигирма дақиқа давомида тоза ҳавода сайр қилиш тавсия этилди. Яқунда бунга риоя этганларда хотира сусайиши 40 фоизга камайгани аниқланди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) жамоаси Омбудсман Котибиятининг қарарлар бўйича инспектори

Темир АЙДАРОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукүр таъзия изҳор этади.

Манил: Тошкент ш., Шароф Рашидов к., 39-уй. Тел.: (8-372) 222-35-77. www.rtm.uz

Лицензия: RR-0017.

ИЗЛАНИШ

Бугунги кунда бутун дунёда энергия ишлаб чиқаришда муқобил манбалардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунга, аввало, органик ёқилғи турларига бўлган эҳтиёж тобора ортиб бораётгани, қолаверса, ундан чиқаётган зарарли газларнинг атроф-муҳитга салбий таъсири сабаб бўлапти. Шу жиҳатдан қараганда, эндиликда муқобил энергиядан фойдаланиш ҳар томонлама тежамкор ва самарали усул эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Муқобил энергия

Иқтисодий ривожини таъминлашда муҳим ўрин тутати



OSYO QUYOSH ENERGIYASI FORUMING 6-YIG'ILISHI 20-23 noyabr 2013 * Toshkent

6-е ЗАСЕДАНИЕ АЗИАТСКОГО ФОРУМА СОЛНЕЧНОЙ ЭНЕРГИИ 20-23 ноября 2013 * Ташкент

Кейинги йилларда бир қатор Европа мамлакатларида кўплаб фотозлектр станциялар қурилаётгани ана шундан далолат беради. Айна пайтда АҚШдаги қуёш коллекторларининг умумий майдони 15 миллион квадрат метрдан иборат бўлса, Кунчиқар мамлакат — Японияда бу кўрсаткич 12 миллион квадрат метрга тенг. Исроилда эса коммунал хўжаликда фойдаланиладиган сувнинг 75 фоизига яқини айнан шундай

қурилмалар ёрдамида иситилади. Бундан ташқари, кўпгина давлатларда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришга доир махсус режалар ишлаб чиқилапти. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки қайта тикланувчи энергияни ҳосил қилиш қурилмалари иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди. Яъни у энергетика мустақиллигини таъминлаш ёки экологияни яхшилашга хизмат қилиши баробарида, мамлакатнинг барқарор ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Муқобил энергия ишлаб чиқаришда биогаз технологияси, шомол, сув ва қуёш асосий манба ҳисобланади. Юртимизда йилнинг 300 кунидан ортиги қуёшли бўлиши ва барча худудларда ўзига хос шомол йўллари мавжудлигига инобатга олак, бизнинг бу борадаги имкониятларимиз ниҳоятда юқори эканлиги аён бўлади. Маълумотларга кўра, республикамиз иқтисодийотида нефть-газ тармоғи бирламчи ўринда туради.

Аниқроғи, республикамиз ёқилғи-энергетикаси манбаининг 97 фоиз шун тармоқ ҳиссасига тўри келади. Аммо шу билан бирга, мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларининг салоҳияти ҳам анчагина: ҳозир мавжуд технологиялар ёрдамида йилга 179,4 миллион тонна нефть эквивалентига тенг муқобил энергия ишлаб чиқариш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни жадаллаштиришда дастуриламал бўлмоқда. Чунки ушбу ҳужжатда тўпланган тажриба ва жаҳон амалиёти шунга асосланган ҳолда, Ўзбекистон шароитида муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш борасидаги айрим ечимларни қўллаш, шунингдек, мазкур соҳага зарур бўлган замонвий ускуна ҳамда технологияларни ўзинида ишлаб чиқаришни ташкил

этиш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб берилган. Мамлакатимизда бу йўналишдаги ишларга ихтисослаштирилган бир қатор илмий тадқиқот институтлари мавжуд бўлиб, уларда нафақат илмий изланишлар олиб борилади ёки тармоқ учун етуқ

мутахассислар тайёрланади, балки илгор ускуналарни ишлаб чиқариш ва жорий этишга ҳам устуворлик берилмоқда. Ўзбекистон Фанлар академиясининг "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Электроника институти, Тошкент давлат техника университети, Тошкент аграр университети, Тошкент архитектура-қурилиш институти, Қарши ва Бухоро давлат университетлари шулар жумласидандир. "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб

чиқариш бирлашмаси тасарруфидаги ойнаванд худуднинг умумий майдони 5000 квадрат метрдан иборат бўлиб, у 3000 даража иссиқлик йиғиш имкониятига эга. Кейинги пайтларда мутахассисларнинг изланишлари натижасида қуёш энергиясини ҳосил қилишда нанотехнологиялардан самарали фойдаланилаётгани қувонарлиқдир. Қуввати 1,5 кВт бўлган кичик қуёш печи ва бошқа махсус ускуналар — шундай изланишлар самараси. Энг муҳими, тахлиллар бундай ускуналар ёрдамида энергия ишлаб чиқаришни икки баробарга ошириш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, илмий муассасаларда кўплаб хорижий давлатлар олимлари билан ҳамкорлик яқши қўлга қўйилган. Ёш мутахассислар учун ёзги мактаб фаолият кўрсатаётгани, Осиё тараққёт банки томонидан ажратилган грант асосида шу соҳага ихтисослаштирилган институт ташкил этилгани ҳам юртимизда қуёш энергияси ишлаб чиқариш мониторингини юритиш, илмий-техник ишланмаларни юзага чиқаришда айни муддао бўлаётир.

Мухтасар айтганда, республикамизда яқин истиқболда муқобил энергия манбалари ишлаб чиқариш ҳажмини умумий энергия истеъмолининг 15 фоизига етказиш кўзда тутилмоқда. Президентимиз Фармони талабларининг ижроси ана шу эзгу мақсад рўйида муҳим омил бўлиши, шубҳасиз. Зеро, муқобил энергия ресурсларини излаш ва жорий этиш ишларини жадаллаштириш орқали иқтисодийотиимиз тараққийоти барқарорлигини таъминлаш, турмушимиз фаровонлигини ошириш шу куннинг долзарб вазифасидир.

Абдуҷаббор АБДУРАҲМОНОВ, "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг материалшунослик институти лаборатория мудири, техника фанлари доктори.

ХАЛҚ BANKI

Ўтган йили Гулчехра Жонжигитова давлат-тижорат Халқ банкининг Янгйер шаҳар филиалидан 50 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олиб,

тадбиркорлик фаолиятини аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш йўналишида бошлаган эди. Банк сармоясига барака келтирди: у бошчилик қилаётган "Нозигул Сардор Оқолтин" хусусий корхонаси тез орада ўз ўрнини топди.

ТАДБИРКОРЛАР ТАШАББУСИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Яқинда Гулчехра яна шу банкка мувожабат қилиб, корхонасининг фаолиятини кенгайтириш бўйича бизнес-режасини тақдим этди. Хусусий тадбиркорнинг бу нияти ҳам ҳадемай ушалади.

Дарҳақиқат, Халқ банки томонидан кўрсатилаётган молиявий кўмак тадбиркорлар учун айни муддао бўлмоқда. Айниқса, соҳа вакиллари орасида аёллар ва ёшлар сони тобора ортиб бораётганлигида мазкур молия муассасасининг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда.

булишаётир. Бунинг самараси эса қишлоқларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада ривожланиб, кўплаб янги иш ўринлари яратилишида намоён бўлапти. Шу давр ичида 100 дан зиёд аёл тад-

ҷех очишни ният қилиб юргандим, — дейди Гулистон туманида яшовчи Мухтарам Умуруқулова. — Бу мақсадимни амалга оширишда Халқ банкининг Гулистон тумани филиали катта ёрдам берди. Гап



Хусусан, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида тадбиркор аёлларнинг 121 лойиҳасини молиялаштириш учун жами 2 миллиард 310 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Эътиборлиси, сармоявий ёрдамдан чекка-чекка қишлоқларда яшовчи хотин-қизлар ҳам бирдек баҳраманд бўлишлари мумкин.

шундаки, унинг 30 миллион сўм миқдордаги кредити эвазига илгор технологияли кичик корхона ташкил этдим. Ҳозир корхонамизда ишлаб чиқарилаётган махсулотлар Деҳқонобод шаҳарчаси ва туман аҳолисига етказиб берилмоқда. Келгусида Халқ банки билан ҳамкорликни давом эт-

тириб, тадбиркорлик фаолиятимизни янада кенгайтиришни режалаштиряпмиз.

Халқ банкининг вилоят, туман ва шаҳарлар бўлимларида касб-хунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик борасида қулай шарт-шароит яратилаётганлиги ҳам диққатга сазовор. Буни жорий йилнинг 1 октябргача банк филиаллари томонидан уларга 155 миллион сўмдан зиёд кредит маблағи ажратилганидан ҳам аниқлаш мумкин.

— Коллежни битиргач, чорвачиликни ривожлантириш бўйича кредит олиш мақсадида банкнинг Оқолтин тумани филиалига мувожабат қилган эдим, — дейди ёш тадбиркор Мухаммадхўжа Худоев. — Банк жамоаси лойиҳамни тезда кўриб чиқиб, 3 миллион сўм миқдорда кредит ажратди. Натижада ниятим рўйбга кетди, ишларим юришиб кетди.

Бугун вилоятда давлат-тижорат Халқ банкининг имтиёзли кредитлари орқали ўз ишбилармонлик фаолиятини бошлаган ёки ривожлантираётган бундай тадбиркорлар сони тобора кўпаймоқда. Банк филиалларида бир қатор истиқболли режалар ишлаб чиқилганлигини инобатга олак, келгусида бу борадаги ишлар янада жадал тус олиши, шубҳасиз.

Аҳмадли ШЕРНАЗАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Реклама ва эълонлар

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади. Аукцион савдосига Наманган шаҳар СИБ томонидан Наманган вилояти хўжалик сўдининг 2011 йил 25 августдаги 16-1002/3310-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Наманган йўлсоз» МЧЖга тегишли, Норин тумани, «Чўжа» ҚФЙ, «Учтепа» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 984,21 кв.м., фойдаланиш майдони 328,7 кв.м. бўлган асфальт ишлаб чиқариш цехи бино-иншоотлари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 226 123 121 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 17 декабрь кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2013 йил 13 декабрь кунин соат 18.00. Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган бўлимидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519. Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават. Телефон: (8-369) 227-97-01. www.1kms.uz Лицензия: RR-0001.

«Jizzax mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади. 1. Аукцион савдосига Мирзачўл тумани СИБ томонидан Жиззах вилояти хўжалик сўдининг 2013 йил 3 сентябрдаги 13-1306/7774-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Мирзачўл тумани «Арготехсервис» МЧЖда сакланаятган қуйидаги мулклар қўйилмоқда: 2011 йилда ишлаб чиқарилган, 4 дон «New Holland TC 5060» русумли, соз ҳолдаги галла ўриш комбайнлари, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 210 542 000 сўмдан ва 2011 йилда ишлаб чиқарилган, 6 дон «CASE AF 5088» русумли, соз ҳолдаги галла ўрим комбайнлари, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 345 200 000 сўмдан. 2. Аукцион савдосига Мирзачўл тумани СИБ томонидан Жиззах вилояти хўжалик сўдининг 2013 йил 7 февралдаги 13-1201/16514-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Мирзачўл тумани «Арготехсервис» МЧЖда сакланаятган қуйидаги мулклар қўйилмоқда: 2011 йилда ишлаб чиқарилган, 3 дон «New Holland TC 5060» русумли, соз ҳолдаги галла ўриш комбайнлари, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 225 400 000 сўмдан. Аукцион савдоси 2013 йил 18 декабрь кунин соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2013 йил 16 декабрь кунин соат 18.00. Ушбу мулклар 2013 йил 18 декабрь кунин сотилмаган тақдирда, тақририй савдолар 2014 йил 3 январь ва 21 январь кунлари соат 11.00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2014 йил 3 январьдаги тақририй савдо учун — 2 январь кунин соат 18.00, 2014 йил 21 январьдаги тақририй савдо учун — 20 январь кунин соат 18.00. Мазкур мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Jizzax mulk markazi» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Жиззах вилояти филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22626000304946058001, МФО: 00122, СТИР: 302149531. Манзил: Жиззах ш., Шароф Рашидов к., 39-уй. Тел.: (8-372) 222-35-77. www.rtm.uz Гуюҳнома 004399. Лицензия: RR-0017.

«KO'CHMAS MULK SAVDO KIZMATI» МЧЖ Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан тақдим қилинб, «Тошкент оқими» газетасининг 2013 йил 31 октябрдаги 214-сонини ва «Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 1 ноябрдаги 214-сониде чоп этилган хабарномалар билан «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг аукцион савдосига чиқарилган, Учтепа тумани, Лозатор 1-тор кўчасида жойлашган 52-уй аукцион савдосидан олинганлигини маълум қилади. Аукцион савдосидан олишга асос: Учтепа тумани СИБнинг 2013 йил 1 ноябрдаги 115/12-сонли хати. Манзил: Тошкент ш., Олмасор тумани, 1-Корақамш к., 1-«А» уй. Тел.: (8-371) 228-79-52. Лицензия: RR-0001.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га 9.00 дан 18.00 гача ЭЪЛОНЛАР 232-11-15, 236-09-25. ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. E-mail: reklama@xs.uz

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдосига таклиф этади. «Capital Realtor Group» МЧЖ филиалида 2013 йил 29 ноябрь кунин соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулк объекти такроран қўйилмоқда: Андижон шаҳар СИБ томонидан Андижон вилояти хўжалик сўдининг 2012 йил 27 июлдаги 17-1202/7826-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Андижон шаҳри, А. Мусев кўчаси, 33-уйда жойлашган, В-В1-литердаги, қурилиш майдони 445,06 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехи биносининг 2/1 қисми ва Е-литердаги қурилиш майдони 308,75 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехи бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 503 685 239 сўм. Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидеги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдога бир кун қолганда, яъни 2013 йил 27 ноябрь кунин соат 18.00 да тўхтаилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидеги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Андижон ш., Миллий тикланиш к., 36-уй, 3-қават. Телефон: (8-374) 224-62-19. Лицензия: RR-0017.

БИЗ ВА ЖАХОН

Германияда наш қилинадиган "Wostok" журналининг навбатдаги сониди шу йил август ойида Самарқандда бўлиб ўтган "Шарқ тароналари" IX халқаро мусиқа фестивалига бағишланган мақола чоп этилди.



«Шарқ тароналари» «Wostok» журнали саҳифаларида

Муаллиф П. Франке мақоланинг бошланишидаёқ Марказий Осиёдаги энг йирик маданий анжуманлардан бири ҳисобланганидан ушбу халқаро тадбир бугунги кунда бутун дунёда доврқ қозонганини журналхонлар эътиборига ҳавола қилар экан, у Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси билан ташкил топгани ҳамда ЮНЕСКО шарфелида ўтказиб келинаётганини қайд этади.

Муаллиф П. Франке мақолада атрофлича ўз ифодасини толган. Нашр ўқувчилар эътиборини мусиқа форуми ўтказилган жой — эртакмонанд Регистон майдонига қаратган экан, уларни ўрта асрда бунёд этилган мазкур майдоннинг уч томонида савлат тўкиб турган маҳобатли меъморий ёдгорликлар билан ҳам таништиради.

Мусиқа анжумани доирасида симпозиумлар, учрашув ва конференциялар ўтказилиши хусусида тўхталар экан, бундай тадбирлар самарали ижодий мулоқотнинг ёрқин намунаси эканлигини алоҳида қайд этади.

«Wostok» журналида эътибор асосий муқофотиға сазовор бўлди. Фестивалнинг барча иштирокчилари диплом, эсдалик совғалари ва қимматбаҳо тўхталар билан тақдирланди.

«Жаҳон» АА. Берлин. Борига ҳавола этган: «Абу Наср Муҳаммад Форобий "Китоб ал-мусиқа ал-кабир" ("Мусиқа ҳақида катта китоб") номи кўп жилдик асарини товушлар, мусиқий вазнларнинг келиб чиқиши ва мусиқий ўғунлик сингари масалаларни чуқур тадқиқ этишга бағишлаган.

Спорт

Хиндистоннинг Ченнай шаҳрида шахмат бўйича хотин-қизлар ўртасида ўтказилган "Women Grand Master Chess Tournament - 2013" халқаро турнири ҳал қилувчи паллага кирди.

Мусобақада юртимиз шарафини Нафиса Муминова ҳамда Гулруҳбегим Тоҳиржонова ҳимоя қилапти. Мағлубиятсиз юришини давом эттираётган Нафиса саккизинчи турда грузиялик Солико Гурамишвили билан ҳам мурося кўчасини таллади.

Анджонда бокс бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди.

Мезбонлар голиб

Ўзбекистон бокс федерацияси томонидан ташкил этилган нуфузли мусобақада мамлакатимиз спортчилари билан бирга Қозғистон вакиллари ҳам қатнашди.

10 вазн тоифасида кечган беллашувлар якунида Анджон бокс мактаби тарбияланувчилари биринчи ўринни қўлга киритди.

Ш. ЗОКИРЖОНОВ тайёрлади.

«Янги овозлар» янграйди

Самарқанд вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан бўлиб ўтадиган «Янги овозлар» кўрик-танловига қизғин тайёргарлик кўрилмақда.

САНЪАТ

Мазкур тадбир мусиқа ва санъат нуфузини янада юксалтириш, ёшлар қалбиди она-Ватанга муҳаббат туйғуларини шакллантиришга қаратилгани билан эътиборга молик.

Танловда ҳар бир санъат намунаси мусиқаси оригиналиги, матнинг бадиий образларга бойлиги, мазмундорлиги, халқчиллиги, Ватанга муҳаббат ва истиқлолга садоқат гоғларига йўғрилганиги каби мезонлар асосида баҳоланади.

Мамодиёр ЗЕИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Реклама ва эълонлар

«Қибрай» клиник санаторийси. Юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сийхатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илгор усуллари асосида беморларни даволайдилар.

«ЖАМИЯТ ВА МЕН — 2013»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда Журналистлар ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ва фотожурналистлари учун «Жамият ва мен — 2013» танлови ўтказилишини эълон қилади.

- Танлов куйидаги 10 та номинациялар бўйича ўтказилади: — «Юксак маънавият жамият пойдевори» мавзусидаги энг яхши материал; — «Таълим тизими ислохотлари журналист нигоҳида»; — «Соғлом ёшлар — келажак пойдевори» мавзусидаги энг яхши материал; — «Фермерлик — имконият ва истиқболлар» мавзусидаги энг яхши материал; — «ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолияти» тўғрисидаги энг яхши материал; — «Соғлом она — соғлом бола» мавзусидаги энг яхши материал; — энг яхши журналист текшируви; — интернетдаги энг яхши мақола; — энг яхши фоторепортаж; — йил деботи (талаба-журналистлар учун).

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги ислохотларнинг бориши, жамиятнинг фаол аъзолари ташаббусларини бирлаштириш, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти, тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг амалдаги ижросига қаратилган ижодий ишлар куйидаги йўналишлар бўйича қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари, жамағалар, манфаатдор идора ва муассасалар вакилларидан иборат нуфузли хайъат томондан кўриб чиқилди ҳамда баҳоланади. Ҳар бир номинация бўйича танлов голиблари журналистлар учун ташкилотчилар томондан таъсис этилган диплом, компьютер жамланмаси, планшет, қўл телефони ва шу каби қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Танлов шартлари. Тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрларда 2013 йилнинг 1 январидан 1 декабрга қадар чоп этилган бўлиши шарт. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади.

«ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган демократик, социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаолиятини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзусида ижодий танловни эълон қилади.

Танлов шартлари. Танловга 2013 йилнинг 1 январидан 2013 йилнинг 1 декабрга қадар республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон Декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсини ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамиятини барпо этишга фаол қатнашиши учун зарур социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот-таҳлилий, публицистик ва фотоматериаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп этилган бўлиши лозим.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп этилган бўлиши лозим. Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ҳамда матбуот нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосида тақлиф этади. Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2006 йил 6 мартдаги ЖСК-1-88/2006-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Мичурин дала-ҳовличилар» ҳудудида жойлашган пешайвон (терасса), ертўла, айвон, шийпон (беседка), бассейн ва ёғи ошхоналардан иборат 67-сонли дала-ҳовли тақдоран қўйилмоқда.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 75 516 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров. Навбатчи — Ю. Бўронов. Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.20 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5